

БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАРИНИ ЎСТИРИШДА ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ачилов О.Э. - в.ф.ф.д., (PhD), доцент

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети**

Аннотация: Ушбу мақолада саноатлаштирилган паррандачилик фабрикаларида истиқболли товуқ кроссларининг ҳаётчанлиги, даврлар бўйича озиқлантиришда белгиланган озуқа миқдорларини ҳисобга олиш ва озуқа рационини меъёрлаштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: бройлер, парранда, оқсил, пробиотик, фермент, патоген.

Кириш. Бугунги кунда дунёнинг кўпчилики давлатларида аҳолини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда паррандаларни боқишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бройлерлардан қисқа муддатда, кам харажат сарфи билан олинаётган гўшт парҳезбоплиги, енгил ҳазм бўлиши билан ишлаб чиқарувчиларнинг диққат марказидан ўрин олган.

Республикамиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги алоҳида ўринга эга ва бу соҳани ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғларидан бўлган паррандачиликни ривожлантириш ва уни рентабелли соҳага айлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда паррандалар бош сонини кўпайтириш, соғлом авлод олиш, уларни тўғри парваришлаш, турли касалликлардан сақлаш, айниқса гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва улардан олинадиган маҳсулотнинг сифати муаммоси паррандаларни табиий, экологик тоза озиқалар билан боқиш муаммоси билан боғлиқдир. Ушбу муаммо давлатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Паррандачиликнинг озуқа базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш соҳани жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир [2,6]. Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда паррандаларнинг генетик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда озуқаларнинг таннархини пасайтириш йўллари излаш муҳимдир. Паррандаларнинг озуқа моддаларга бўлган талабини биологик фаол моддалардан фойдаланиш ҳисобига тўла қондиришда уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларини минималлаштириш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга [1,3,4,5,10].

Дунёда гўшт йўналишидаги паррандалардан товуқларнинг бир қатор наслларидан фойдаланилади. Улар сирасига Англиянинг “Росс-308”, “Росс-708”, Франциянинг “Хаббард F-115”, АҚШнинг “Арбор айкрес плюс”, “Кобб” зотли товуқлар киради. Мазкур зотли товуқлар ҳар бирининг тирик вазни 38-42 кунлигида 2,3-2,5 килограмм тош босади. Бундай пайтда сўйилган жўжаларнинг гўшти юмшоқ ва парҳезбоп бўлганлиги боис ҳам одамлар томонидан севиб харид қилинади [7,8,9].

Бир сўз билан айтганда, паррандачиликнинг ҳам аҳоли саломатлигига, ҳам иқтисодий томондан фойдаси катта. Шу боис бугун парранда гўшти етиштириш дунёда ҳам, мамлакатимизда ҳам жадаллик билан ривожланмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотимизнинг мақсади саноатлаштирилган паррандачилик фабрикаларида истиқболли товуқ кроссларининг ҳаётчанлиги, маҳсулот бирлигига озуқа сарфи, даврлар бўйича озиқлантиришда белгиланган озуқа миқдорларини ҳисобга олиш, озуқа рационини меъёрлаштиришдан иборат.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқот ишлари Самарқанд тумани “Миронкул Агрозооветсервис илмий-амалий маркази” МЧЖ да олиб борилган. Тажриба “Росс-308” товуқ кросслари 60 бошдан 1 та тажриба 1 та назорат гуруҳлари шакллантирилди. Ҳар иккала гуруҳдаги бройлер жўжаларини ўстириш ва озиқлантиришда услубларимизда кўрсатилган бўйича барча зоогигиеник меъёрлар яратилиб берилди. Бройлер жўжаларини ҳар ҳафталик ёшида 1 гр аниқликдаги тарозида тортиб тирик вазни аниқланди. Озиқлантириш хусусиятлари тажриба гуруҳига белгиланган рацион меъёри асосида озиқлантирилди. Кроссларининг компания тақдим этган стандарт андозасига қараб жўжаларнинг ҳолати ва тажрибанинг иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилиб, олинган маълумотлар Microsoft Office Excel 2007 дастури ёрдамида қайта ишланган.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Тажрибаларимизда ёш жўжаларни бир кунлик ёшдан 10-14 кунлик ёшигача бошланғич (стар) омухта еми билан (минимум 300г.гача), 15-28 кунлик ёшида ўсиш (рост) омухта еми билан (минимум 900г.гача) озиқлантирилди. Стандарт тирик вазнга эришгандан сўнг, чекланган озиқлантиришга ўтказилди ва қолган бўрдоқилаш даврда (финиш) омухта еми билан (нормаллаштириш) озиқлантириш режими асосида озиқлантирилди. Дастлабки 4 ҳафта ичида заррача ҳажми 1,0-1,5 мм бўлган дон шаклида аралаш озуқадан фойдаланилди.

1 жадвал

Бройлер жўжаларнинг тирик вазни $\sigma(n=60)$ $M \pm m$

Бройлер жўжаларнинг (Ёши)	I тажриба гуруҳи	II назорат гуруҳи	Кунлик ўсиш бўйича гуруҳлар фарқи
1	45,76 $\pm$ 0,36	44,94 $\pm$ 0,45	
1-7	205,5 $\pm$ 0,48	203,9 $\pm$ 0,13	1,6
7-14	594,9 $\pm$ 0,7	593,7	1,2
14-21	1063,9 $\pm$ 0,98	1061,3 $\pm$ 1,1	2,6
21-28	1762,2 $\pm$ 0,92	1751,1 $\pm$ 0,99	11,1
28-35	2402,5 $\pm$ 0,62	2384,5 $\pm$ 0,53	18,0
35-42	2982,3 $\pm$ 0,99	2886,5 $\pm$ 0,99	95,8

Ўтказилган тажрибалар натижасига кўра, бройлер жўжаларини макиёнларига нисбатан хўрозларини кунлик ўсиши ва тирик вазни юқори бўлди. Бу шундан далолат берадики, ота-оналик шаклида иштирок этган гўшт йўналишидаги наслдор паррандаларнинг генетик потенциалига боғлиқ бўлиб, насл белгиларини ўтказа олади. Тажрибаларимиздаги бройлер жўжаларини физиологик жиҳатидан етилишини кузатиб, мокиёнларига нисбатан,

хўрозларини етилиши, кунлик ва тирик вазни жиҳатдан 6-10 % юқори бўлиб, 0,6-0,9% гача озуқа кам сафланади.

Жўжаларни ўстиришнинг учинчи фазасида жўжалар кучли ўсиш ва бўрдоқиланиш ҳолатида ва физиологик жиҳатдан организмда моддалар алмашинуви жадал бўлди. Озуқалар таркибида витаминлар, макро ва микро-элементлар, организмда синтезланмайдиган аминокислоталар эътиборга олиниш лозим. Чунки турли моддалари организмга етишмовчилиги оқибатида турли ҳолатдаги Авитаминоз ва касалликлар вужудга келиши мумкин.

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тажрибадаги бройлер жўжаларини даврлар бўйича меъёрлаштириб тузилган рацион асосида озиклантириш эвазига ўсиш кўрсаткичлари тажриба гуруҳи бройлер жўжаларида назораат гуруҳи жўжаларига нисбатан тирик вазн кўрсаткичлари ҳафталик ёшлари бўйича 1,6;1,2;2,6;11,1;18,0 ва 95,8 г. га устинлик қилиб, охирги ҳафталик ёшида бироз фарқ кузатилди. Бу кўрсаткичлар кроссинг меъёрий ўсиш хусусиятларига мос келади.

Хулоса. Олиб борилган ўрганишлар натижасида бройлер жўжаларини ўсиш, ривожланиш ва бўрдоқиланиш хусусиятлари озиклантиришнинг турли фазаларида кросс талабалари бўйича белгиланган миқдорда озиклантириш, организмда алмашинувчи энергия, хом протеин, хом ёғ ва аминокислоталарни синтезини бир меъёрда бориши билан маҳсулдорлик кўрсаткичларига ижобий таъсир қилиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абилов Б.Т. Энергетическая кормовая добавка в кормлении коров / Б.Т. Абилов, И.А. Синельщикова, А.И. Зарытовский, Н.А. Болотов // Сельскохозяйственный журнал. -2014. - № 7 (1). - С. 78-82.
2. Борок В.В. Эффективность применения комплексных препаратов аминокислот («абиопептид») и микроэлементов («ферропептид») на различных стадиях онтогенеза бройлеров: дис. ... канд. биол. наук. М., - 2012. - 162 с.
3. Будтуева О.Д. Использование в рационах кур-несушек кормовой добавки "Нутовит" Известия Нижневолжского агроуниверситетского комплекса / О.Д. Будтуева, М.В. Струк, И.Г. Плешакова, Д.В. Плешаков // наука и высшее профессиональное образование. – 2018. № 1 (49). - С. 237-243.
4. Бурень В.М. Микробиологические пробиотики повысят сохранность животных. / В.М Бурень, Д.С. Давидюк [и др.]. //Сельскохозяйственные вести 2002. - № 3. - С. 16.
5. Волкова И. Пробиотики как альтернатива кормовым антибиотикам / И. Волкова // Комбикорма. - 2014. - №2. - С. 63-64.
6. Гавриленко Д.В., Коцаев А.Г. Биотехнология получения комплексной кормовой добавки для птицы/ Сборник научных трудов Краснодарского научного центра по зоотехнии и ветеринарии. - 2019. - № 8(3). - С. 165-168.
7. Галиев Д.М. Кормовые добавки сорбционного действия в рационах цыплят-бройлеров// Д.М. Галиев/ Пермский аграрный вестник. – 2018. - № 1 (21). - С. 111-116.

8. Грозина А.А. Состав микрофлоры желудочно-кишечного тракта у цыплят-бройлеров при воздействии пробиотика и антибиотика / А.А. Грозина // Сельскохозяйственная биология. - 2014. - №6. -С.45- 58.

9. Гулюшин С. Эффективность применения пробиотика Агримос в комбикормах для бройлеров / С. Гулюшин, Н. Садовникова, Н. Рябчик // Птицеводство. - 2010. - №5. - С. 11-12.

10. Егоров Н. Эффективность пробиотика терацид-С / Н. Егоров, К. Харламов // Птицеводство. - 2007. - №6. - С. 56.